

АКМАЛХОНОВ Акмалхон,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти
кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори, PhD

АБУ ЯЪҚУБ САККОКИЙНИНГ СЎЗНИ ТАШКИЛ ҚИЛУВЧИ ЭНГ КИЧИК БИРЛИКЛАР ҲАҚИДА ҚАРАШЛАРИ

ABU YAQUB SAKKOKI'S VIEWS ON THE SMALLEST UNITS THAT MAKE UP A WORD

ВЗГЛЯД АБУ ЯКУБА САККОКИ НА МАЛЕНЬКИЕ ЕДИНИЦЫ, СОСТАВЛЯЮЩИЕ СЛОВО

Аннотация: Араб тили грамматикасига оид араб бўлмаган олимлар томонидан ёзилган асарлар кўпчиликни ташкил қилади. Шундай асарлардан бири Абу Яқуб Саккокийнинг «Мифтаҳу-л-улум» асари ҳисобланади. Асар ёзилганидан кейин жуда машҳур бўлиб, араб тили ўқитиладиган мадрасаларда асосий дарсликлардан бири сифатида кенг фойдаланилган. Олимнинг сўзни ташкил қилувчи энг кичик бирликлар ҳақида қарашлари соҳанинг етук оимлари томонидан эътироф этилади.

Калим сўзлар: Абу Яъқуб Саккокий, «Мифтаҳу-л-улум», сарф, ундош ҳарф, сиргалувчи ҳарф, портловчи ҳарф, жарангли ҳарф, жарангсиз ҳарф.

Abstract: Works on Arabic grammar written by non-Arab scholars constitute the majority. One such work is Abu Yaqub Sakkoki's «Miftahu-l-ulum». After the work was written, it became very popular and was widely used as one of the main textbooks in madrasahs where the Arabic language was taught. The views of the scientist about the smallest units that make up a word are recognized by great scientists in the field.

Key words: Abu Ya'qub Sakkaki, «Miftahu-l-ulum», sarf, consonant letter, sliding letter, explosive letter, voiced letter, unvoiced letter.

Аннотация: Большинство работ по арабской грамматике написано неарабскими учеными. Одним из таких произведений является «Мифтаҳу-ль-улум» Абу Якуба Саккоки. После написания работы она стала очень популярной и широко использовалась в качестве одного из основных учебников в медресе,

где преподавали арабский язык. Взгляды учёного на мельчайшие единицы, из которых состоит слово, признаются великими учёными в данной области.

Ключевые слова: Абу Яқуб Саккаки, «Мифтаҳу-л-улум», сарф, согласная буква, скользящая буква, взрывная буква, звонкая буква, глухая буква.

КИРИШ

Абу Яъқуб Саккокийнинг араб грамматикаси борасидаги қарашларини ўз ичига олган асар «Мифтаҳу-л-улум» асари ҳисобланади. Асар араб тили грамматикасининг барча илмларини қамраб олганлиги билан қолган шу соҳа манбаларидан афзал ҳисобланади.

Саккокий асарини қисмларга бўлганидан кейин, мавзуларни боб ва фаслларга ажратиб ёритган. Саккокий сарф қисмини уч боб, ўн тўққизта фасл ва ўн уч турга тақсимлаган.

Саккокий сарф қисмини муқаддимаси ҳисобланувчи мавзулар доирасида сўзни ташкил қилувчи энг кичик бирлик ҳарф ҳақида баҳс юритиб, ўзидан олдинги олимларнинг бу борадаги қарашларига таянган ҳолда, араб тилидаги ҳарфларни турларга тақсимлайди ва ўзининг қарашларини баён қилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Абу Яъқуб Саккокий биринчи тақсимотда ҳарфларнинг аниқ сонини баён қилиб, қуйидагиларни ёзган: «Билингки, араб тилида 29 та ҳарф бўлиб, жарангли (الحروف المجورة мажхур) ва жарангсизга (الحروف المهموسة маҳмус) бўлинади», [1: 36]. Машҳур тилшунослардан Сибавайҳи, Маҳмуд Замахшарий ҳам араб тилидаги ҳарфларнинг сони 29 та эканлигини таъкидлаганлар [7: 431; 8: 339]. Биринчи бўлиб, ҳарфлар сонини келтирилиши «алиф» ва «ҳамза» алоҳида мустақил ҳарф эканлиги билдириш кўзда тутилган. Ўз ўрнида ҳарфларнинг сони 28 та деб айтувчиларга раддия ўлароқ араб тилида ҳарф 29 та эканлигини билдириш ҳисобланади.

Саккокий Сибавайҳи фикрига қўшилиб: «Менда ҳам шундай, мен эслатмоқчи бўлган нарсаси – жаранглилик ҳарф махражида [ҳосил бўлиш ўрни] нафаснинг тўсилиши билан, жарангсизлик эса нафасни қўйиб юбориш билан ҳосил бўлади», деб ёзган. Бу ўринда Саккокий ҳарфнинг жарангли ва жарангсизлигини баён қилиб, жарангли ва жарангсизларни талаффуз

жараёнида товуш пайчаларининг тебратиши ёки тебранмаслигига кўра икки гуруҳга бўлди. Улар куйидагича: “Жаранглилар (менинг фикримча): “ҳамза”, “алиф”, “қāф”, “қāф”, “жīm”, “йā”, “rā”, “nūn”, “tā”, “dāl”, “tā”, “bā”, “mīm”, “vāv” (و، ا، ء، ب، ت، د، ط، ن، ر، ي، ج، ك، ق، ؤ) бўлиб, уларни ёдда сақлаб қолиш осон бўлиши учун куйида жарангли ҳарфларнинг ҳар бири иштирок этган жумлани келтиради, мана у: “قدك أترجم و” – (кулдириб, сенинг меъёрингда таржима қилиман) [1: 36]. Жарангсизлар ҳақида қисқача: “жаранглилардан ташқарилари,” деб ёзган эди.

В.А. Звегинсев [3: 37], Н. Ахвледзиани [2: 83], Н. Робакидзе [4: 73] ва аксарият европалик олимлар [5: 29] Саккокийнинг мажхур ва махмус ундошларни ҳосил бўлиши ҳақидаги қарашини қўллаб-қувватлаган ўлароқ ушбу ҳарфлар жарангли ва жарангсиз ундошлар тарзида аталишини баён қилганлар.

Саккокий кейинги ҳарфлар тақсмотига тўхталиб, куйидагиларни ёзган: “Шунингдек, لم يرونا – (бизни умуман қўрқитмади) жумласидаги “lām”, “mīm”, “yā”, “rā”, “vāv”, “yāin”, “nūn”, “алиф” ҳарфларда нафас тўпланмаса ва нафас қўйиб юборилиши бўлмаса, улар “мўтадил ҳарфлар” (معتدلة), деб номланади,” [1: 36]. Нима учун бундай номланганлиги ҳақида: “Бу ҳарфлар сирғалувчи ва портловчи ҳарфлар ўртасида бўлгани учун ҳам мўтадил ҳарфлар дейилади,” деб ёзган [1: 36]. “Мўтадил ҳарф” деб номланиш Саккокийга хос бўлиб, Сибавайҳи ва Маҳмуд Замахшарий асарларида бундай номланиш учрамайди. Сибавайҳи бундай хусусиятга эга бўлган ҳарф сифатида Саккокий ва Маҳмуд Замахшарийдек саккизта ҳарфни эмас, бир “yāin” ҳарфини келтирган [7: 435]. Маҳмуд Замахшарий бу ҳарфларни “портловчи ва сирғалувчи ўртасидаги ҳарф” (هي التي بين الشديدة) деб номлаб, Саккокий келтирган “lām”, “mīm”, “yā”, “rā”, “vāv”, “yāin”, “nūn”, “алиф” ҳарфларини келтирган [8: 340]. Саккокий ҳарфлар таснифида “мўтадил ҳарфлар” (حروف معتدلة) гуруҳини келтириб, алоҳида баён қилиши Сибавайҳи ва Маҳмуд Замахшарийлардан бу борада илмий янгилиги ҳисобланади.

Кейинги ҳарф гуруҳи ҳақида олим: “Агар ҳаво оқими тўсилиб талаффуз қилинса, улар портловчи ҳарфлар (الحروف الشديدة) ҳисобланади” деб, уларни куйидаги жумлада акс эттирган: “أجدك قطبت” (қовоғинг солиқ ҳолда топаман)”

[1: 4a]. Бу жумла таркибидаги “ҳамза”, “жīm”, “дāl”, “kāf”, “qāf”, “tā”, “bā”, “tā” ҳарфлар Саккокий таъкидлаганидек, портловчи ҳарфлар ҳисобланади.

Портловчи ҳарфларни келтирганидан кейин, Саккокий уларнинг зидди бўлган сирғалувчи ҳарфларга (الحروف الرخوة) тўхталиб: “Агар ҳаво оқими тўсилмай сирғалиб ўтса, булар сирғалувчи ундош ҳарфлардир,” деб, уларни алоҳида баён қилмай: “Қолган ундошлар сирғалувчилардир,” деб таъкидлаган [1: 4a].

Мураккаб фонетик жараён ҳақида: “Агар ҳам ҳаво оқими тўсилиши, ҳам сирғалиши бўлса, уша ундошларда ҳаракат кўтарилиши заиф бўлади ёки ҳаракатни ман қилади. ي و ا шулар жумласидандир. Тўла ҳаво тўпланиши бўлса, товуш тезлашиб, зичлашиб чиқади. Бундай ҳарфлар: قد طبخ ميت – (Қишлоқ аҳли тайёрлаб бўлди). Ушбу ҳарфлар қалқала (тебранувчи) ҳарфлар дейилади,” деб ёзган эди Саккокий [1: 4a].

Олим бошқа тилшунослардан фарқли ўлароқ ҳарфларнинг ҳосил бўлишида анчайин чуқур билимга эканлигини унинг ҳарфларни баён қилиш усулидан билиб олиш мумкин. Шунингдек, куйидаги веляризация ҳарфларига ёндашуви ҳам буни исботлайди.

Саккокий ҳарфларнинг тил ҳолатига кўра куйидаги турларга ажратади. Улар: “ҳарфлар “истеъло ҳарфларга” (الحروف المستعيلة), улар: “sā”, “dā”, “tā”, “zā”, “fā”, “hā”, “qāf” (ص ض ط ظ غ) ва улардан бошқа мунхафид ҳарфларга (الحروف المنخفضة) бўлинади. Истеъло ҳарфларда тил (орқа томони) юқори қаттиқ танглайга кўтарилади. Мунхафид ҳарфларда эса бунинг акси,” деб ёзган [1: 4a]. Бу ҳарфларнинг бўлиниши ҳосил бўлаётганда товушнинг йўғон ёки ингичкалигига кўра ҳисобланади. Оғизни тўлдириб, йўғон талаффуз қилинса, Саккокий айтганидек, улар “истеъло ҳарфлар” деб номланади. Оғизни ёйиб, ингичка талаффуз қилинса, улар мунхафид ҳарфлар, яъни ингичка талаффуз қилинувчи ҳарфлардир.

Саккокий фикрида давом этиб, куйидагиларни ёзган: “Агар тил юқори қаттиқ танглайни қоплаб олса, бундай ҳолда ص ض ط ظ ҳарфлари ҳосил бўлади. Улар “итбоқ ҳарфлари” (الحروف المطبقة) деб аталади. Бу ҳарфлардан бошқалари “мунфатих ҳарфлар” (الحروف المنفتحة) деб аталади” [1: 4a].

Саккокий ҳарфларнинг ҳосил бўлиш ўрнига кўра, тилнинг ҳолатига кўра гуруҳларга бўлиб, уларнинг талаффуз ўринларини баён қилди. Бундан ташқари ёдда сақлаб қолиш осон бўлиши учун тегишли ҳарфлар қатнашган жумлаларни келтирди.

Ҳарфларни бу тизимда ўрганиш араб тилида тажвид соҳаси олимларига хос ҳисобланади. Саккокий бу борада соҳа олимларидек чуқур билимга эга эканлиги намоён бўлмоқда.

Бундай тизимда бўлиш фақат тажвид илмига тааллуқли бўлиши билан бир қаторда сарф илмида ҳам муҳим саналади. Сўз ҳосил қилиш жараёнида содир бўладиган ҳазф, идғом, бадал каби ҳодисаларда ҳарфларнинг бундай тизимли бўлиниши муҳим рол ўйнайди. Шуларни эътиборга олган ҳолда Саккокий батафсил келтирди.

Сўз ҳосил қилишдан олдин ҳарфларнинг бундай тизимли гуруҳларга бўлиб олиш усули бошқа олимларда кам қулатилади. Саккокийнинг бундай ёндашуви мукамал усулга эга эканлигидан ҳисобланади. Сўзларнинг ҳосил қилиниши ҳарфларсиз бўлмайди. Шунинг учун ҳам Саккокий уларнинг хусусиятларини батафсил келтирди. Шу йўналишда давом эттириб, ҳарфларнинг ҳосил бўлиш ўринлари ўн олтига эканлигини Сибавайҳидан нақл қилиб, уларнинг ҳар бирини ёзган. Ҳарфларнинг ҳосил бўлиш ўринлари (مخارج الحروف) кўпроқ тажвид илмида муҳим ҳисобланади. Саккокий келтирган ҳарфларнинг ҳосил бўлиш ўринлари (махражлари) қуйидагилар:

Ҳалқумнинг охириги қисмидан: “ҳамза”, “алиф”, “хā” (ء ا و)

Ҳалқумнинг ўртасидан: “байн”, “hā” (ع ح)

Ҳалқумнинг тилга (оғизга) яқин қисмидан: “fā”, “xā” (غ ف)

Тилнинг охириги қисми ва унинг тепасидаги

(ق) “қāф” :юқори танглайдан

“қāф” нинг ўрнидан пастроқдан, юқори каттиқ танглайнинг пастроғидан: “кāф” (ك)

Тилнинг ўртаси ва юқори танглай ўртасидан: “жīm”, “шпн”, “йā” (ي ش ج)

Тил четининг аввали ва қозик тишларнинг ички томонидан: “dā” (ض د)

Тил чети ва унинг энг олдидан юқори танглайнинг ўртасидан қуйроғи ва тил томонининг охиригача, олд тишларнинг

юқорироғи, қозик тиш ва олдинги тишлардан: “lām” (ل)

Юқори олд тишларнинг юқорироғидан: “nūn” (ن ن)

“Mīm” ҳарфининг махражидан тилнинг учига киритилмасдан озроқ “lām” (ل) ҳарфи чиқадиган жойга бир томонидан қийшайиш жойидан: “rā” (ر ر)

Юқори олд тишлар ички қисми ва тилнинг олд қисмидан: “tā”, “dāl”, “ṭā” (ط د ت)

Пастки олд тишлар ва тилнинг олд қисмидан: “cīn”, “zā”, “ṣā” (ص ز س)

Юқори олд тишлар ва тилнинг учидан: “šā”, (ظ ذ ث) “zā”, “zā”

Пастки лабнинг ички томони ва юқори олд тишлар учидан: “fā” (ف ف)

Икки лабдан: “vāv”, “mīm”, “bā” (ب م و)

Бурунлардан (енгил “nūn”) ن чиқади [1: 4a].

Сарф илмига берган таърифдан кейин сўз ҳосил қилишнинг ягона заҳираси бўлган ҳарфларга батафсил тўхталгач, сўзда шакл ва маъно уйғунлигини ёритган.

ХУЛОСА

Саккокийдан олдин ўтган олимларнинг асарларига назар ташласак, Саккокийнинг ўзига хос ёдашувга эга эканлигини, асарини эса, соҳа манбалари ичида такрорланмас асар ҳисобланишини билиб олиш мумкин.

Араб тили грамматикасининг дастлабки ва қолган барча асарлар асос вазифасини ўтаган манба Абу Бишр Амр ибн Усмон ибн Қанбарнинг (۷۹۶-۷۶۵) “Китоб Сибавайҳи” (كتاب سيويه) асари ҳисобланади. У Сибавайҳи номи билан машҳур бўлиб, асари соҳа мутахассислари ўртасида “ал-китоб” номи билан танилган. Сибавайҳи асаридаги мавзуларни “боб” (باب) деб номлаб, ҳар бир боб муайян масалага қаратилган. Сибавайҳи биринчи бобни “Бу араб тилида сўзни билишга қаратилган илм боби” (هذا باب علم ما الكلم من العربية) деб номлаб, бу мавзу доирасида сўз туркумлари, уларнинг синтактик ҳодисаларда ўзгармаслигини ёритган [6: 12]. Сибавайҳи кейинги мавзулар давомида сўзларнинг келиши ва майлларда ўзгариши борасида баҳс қилади.

Сибавайҳи “Идғом” боби остида ҳарфларнинг сони; ҳосил бўлиш ўринлари;

жарангли ва жарангсиз ҳолатларини асарининг охирида баён қилган [7: 431-477].

Араб тили грамматикасида муҳим ҳисобланувчи араб бўлмаган олимлар томонидан ёзилган асарлар кўпчиликини ташкил қилади. Шундай мукамал асарлардан бири Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Замахшарийнинг (1144-1070) “Эъроб ҳосил қилиш бўйича муфассал [китоб]” (المفصل في صنعة الإعراب) асари ҳисобланади. Маҳмуд Замахшарий асарининг биринчи қисмида исмлар, уларнинг турлари, келишида ўзгарувчи сўзлар ҳақида баҳс қилган [8: 9-20]. Сибавайҳига эргашган ҳолда фонетика қисмини “Идғом” (الإدغام) деб номлаб, асарининг охирида ёритган [8: 338].

Олим “Мифтаху-л-улум” асарини ҳар бир бўлимини алоҳида ёндашув асосида ёзганлиги мавзуни баён қилишдаги ўзгачаликлардан библи олиш мумкин. Бу ўзгачаликлар асарнинг соҳа манбалари ичида алоҳида эътиборга молик эканлигини исботлайди ва ўқувчини ўзига чорлайди.

Сибавайҳи келтирган охирги мавзуни Саккокий асарининг бошида келтириши сабабларидан бири сўзни сарф илмида тадқиқ қилаётганлигидан ҳисоблаш мумкин. Саккокий сарф илмига муқаддима ўлароқ ҳарф ҳақидаги мавзуларни келтирди.

Сибавайҳи ва Замахшарийнинг ҳарфлар сони, уларнинг ҳосил бўлиш ўринлари, бўлиниш хусусиятлари ҳақидаги қарашлари билан Саккокийнинг қарашлари бир хил ҳисобланади. Фақат мавзуни келтириш ўринлари ёндашувга кўра фарқлидир.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. MU – Имом Аба Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр ибн Маҳаммад Саккокий. Мифтаху-л-улум. Анкара Milli Kütüphanesi. Қўлёзма 26 Нк 192 рақам. – 244 в.
2. Ахвледиани В.Г. Арабское языкознание средних веков. История лингвистических учений. Средневековый восток. – Ленинград, 1981. – 240 с.
3. Звегинцев В.А. История арабского языкознания. Краткий очерк. -М.: МГУ, 1958. -80 с.
4. Робакидзе Н. Фонетическая концепция аз-Замахшари. –Тбилиси, 1984. –122 с.
5. Schaade A. Sibawaihis Lautlehre. – Leiden, 1911. 32 р.

6. Абу Бишр Амр ибн Усмон. Китаб Сибавайх. Жуз аввал. – Байрут, 446 б.
7. Абу Бишр Амр ибн Усмон. Китаб Сибавайх. Жуз рабиъ. – Қоҳира, 1988. 564 б.
8. Маҳмуд ибн Умар Замахшарий. Ал-муфассал фи санъат ал-эъроб. – Қоҳира, 2013. 395 б.